

**«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish
va ta'mirlash zavodi» AJ**

**Ижроия органининг 2022 йил бизнес
режасини бажарилиши, ишлаб чиқариш
ва молиявий фаолияти тўғрисидаги
ҲИСОБОТИ**

АЖ «Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi»

2022 йил ҳисоботи

«Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi» АЖ узок муддатли ривожланиш режаси, бизнес-режа ва 2022 йилнинг ҳисоботи бўйича қуйидаги асосий ишлаб чиқариш молиявий кўрсаткичлар бажарилиши кузатилмоқда:

Ҳисобот даврида 23 та янги йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш ва 297 та йўловчи вагонлар таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, ҳисобот бўйича 303 та йўловчи вагонлар таъмирланди (бу режага нисбатан 102,0%) ва 24 янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилиб (режага нисбатан 104,3%) харидорларга сотилди.

Маҳсулотлар кўрсаткичи

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил режа	2022 йил амалда	бажарилиши % нисбатида
<i>Депо ҳажмида таъмирлаш (ДР)</i>	<i>ваг</i>	<i>192</i>	<i>141</i>	<i>73,4</i>
<i>Капитал таъмирлаш (КР-1)</i>	<i>ваг</i>	<i>61</i>	<i>39</i>	<i>63,9</i>
<i>Капитал таъмирлаш (КР-2)</i>	<i>ваг</i>	<i>1</i>	<i>1</i>	<i>100</i>
<i>Техник соғломлаштирувчи таъмирлаш, ТО-3</i>	<i>ваг</i>	<i>27</i>	<i>101</i>	<i>3 баробар</i>
<i>Капитал тиклов таъмирлаш (КВР)</i>	<i>ваг</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>112,5</i>
<i>Метро вагонлари капитал таъмирлаш (КРП)</i>	<i>ваг</i>	<i>8</i>	<i>12</i>	<i>150</i>
Жами вагон ремонт	ваг	297	303	143,7
<i>шу жумладан Экспорт</i>	<i>ваг</i>		<i>5</i>	
Янги йўловчи вагонларини қуриш	ваг	23	24	104,3
<i>шу жумладан Экспорт</i>	<i>ваг</i>	<i>4</i>	<i>4</i>	<i>100,0</i>

Ишлаб чиқариб сотиш нархларида юклаб жўнатилган маҳсулотлар ҳажми жорий нархларда режа бўйича 214 001,0 млн.сўм бўлгани ҳолда, ҳисобот бўйича 143 614,5 млн.сўмни ташкил қилди (бу режага нисбатан 67,1%). Ҳисобот даврида Метрополитен вагонларини капитал таъмирдан чиқарилиб синов текшириш ишлари тўлиқ тугатилмаганлиги режа бўйича ишлаб чиқариб сотиш нархларида юклаб жўнатилган маҳсулотлар кўрсаткичини бажарилмаганлигига сабаб бўлди. Ҳисобот даврида «Ўзбекистон темир йуллари» корхоналаридан бошқа ташкилотларга 123 434,0 млн. сўмлик товар маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, бу умумий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмини 57,8 фоизини ташкил қилди. Ҳисобот даврида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳисобот бўйича 45,9 млн.сўмлик хизмат кўрсатилди.

Завод томонидан экспорт хизматларини кўрсатиш бўйича 5 600,0 минг.АҚШ долл режалаштирилган бўлиб, чет эл давлатлари билан олиб борилган музокаралар натижасида ҳисобот даврида 1 888,0 минг.АҚШ долларига хизмат кўрсатилди.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил режа	2022 йил амалда	бажарилиши % нисбатида
Сотиш нархларида юклаб жўнатилган маҳсулотлар	млн.сум	214 001,0	143 614,5	67,1
шу жумладан экспорт ва бошқа вазирликлар корхоналари	млн.сум	123 260,0	79 763,6	64,7
Аҳолига хизмат	млн.сум	45,9	45,9	100,0
Экспорт хизматлари	минг.АҚШ долл.	5 600,0	1 888,0	33,7

Рўйхатда бўлган ишчи хизматчиларнинг сони ҳисобот бўйича 709 кишини ташкил қилди. Шу жумладан маъмурий – бошқарув ходимлари 32 кишини, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ишчилар сони 677 кишини ташкил этди. Касаначилар сони 19 киши.

Иш унумдорлиги ҳисобот даврида бир ишчи учун 202,6 млн.сўмни ташкил қилди. Ҳисобот даврида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди учун 36 740,0 млн.сўм ажратилди. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 4 318 359 сўмни ташкил қилди.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил
Ишчилар сони	одам	709
Иш ҳақи фонди	млн.сум	36 740,0
Ўртача ойлик иш ҳақи	сум	4 318 359
Меҳнат унумдорлиги	млн.сум/ одам	202,6

Заводнинг дебиторлик қарзлар ҳажми 28 052,3 млн.сўмни ташкил қилди, булардан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхоналари бўйича 3 134,2 млн.сўм ҳисобланади.

Жами кредиторлик қарзлар ҳажми эса 119 844,7 млн.сўмни ташкил этди, бундан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхоналари бўйича 9 212,9 млн.сўм мавжуд.

2022 йил 31 декабр ҳолатига кўра бухгалтерия ҳисоботи бўйича балансда қуйидагилар ҳисобга олинган:

- Асосий воситаларнинг баланс қиймати 87 020,0 млн.сўм, эскириш суммаси 73 610,0 млн.сўм, қолдиқ қиймати 13 410,1 млн.сўм. Эскириш даражаси 84,6%ни ташкил этган.

- Номоддий активлар баланс қиймати 2 066 минг сўм, эскириш суммаси 2 066 минг сўм, қолдиқ қиймати йўқ.

- «Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta‘mirlash zavodi» АЖ Устав фонди 5 649 047 минг сўм, улардан:

- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ улуши 90% - 5 084 143 минг сўм
- Бошқа акциядорлар улуши 10% - 564 904 минг сўм

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил
Дебитор қарз	млн.сум	28 052,3
<i>шу жумладан "УТЙ" АЖ</i>	<i>млн.сум</i>	<i>3 134,2</i>
Кредитор қарз	млн.сум	119 844,7
<i>шу жумладан "УТЙ" АЖ</i>	<i>млн.сум</i>	<i>9 212,9</i>
Асосий воситалар қиймати	млн.сум	87 020
Асосий воситалар эскириши	млн.сум	73 610
Эскириш даражаси	%	84,6
Номоддий активлар	млн.сум	2,066
Амортизация суммаси	млн.сум	2,066

Ҳисобот даврида корхонанинг умумий даромадлари режа бўйича 218 001,0 млн.сўм, ҳисобот бўйича эса 158 658,9 млн.сўм ташкил этди. Улардан:

- ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматларни сотишдан соф тушум – 143 614,5 млн.сум (жами даромаднинг 90,5%),
- асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари – 8 424,5 млн. сум (жами даромаднинг 5,3%),
- молиявий фаолиятнинг даромадлари – 6 619,9 млн.сум (жами даромаднинг 4,2%).

Корхонанинг ҳисобот давридаги умумий харажатлари миқдори режа бўйича 217 701,0 млн.сўм бўлиб ҳисобот бўйича 157 421,6 млн.сўмга бажарилди ва улардан:

- ишлаб чиқариш таннархи харажатлари – 132 633,7 млн.сўм (жами харажатларнинг 84,2%),
- давр харажатлари – 20 581,9 млн.сўм (жами харажатларнинг 13,1%),
- молиявий фаолият харажатлари – 4 206,0 млн.сўм. (жами харажатларнинг 2,7%).

Йил якуни бўйича соф фойда 255,0 млн. сўм миқдоридан режалаштирилган бўлиб, ҳисобот бўйича йил 407,0 млн. сўм соф фойда олинди.

Молиявий кўрсаткич

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил режа	2022 йил амалда	бажарилиши % нисбатидан
Жами даромад	млн.сум	218 001,0	158 658,9	72,8
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	млн.сум	214 001,0	143 614,5	67,1
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	млн.сум	2 000,0	8 424,5	4 баробар
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	млн.сум	2 000,0	6 619,9	3 баробар
Жами харажатлар	млн.сум	217 701,0	157 421,6	72,3
1. Сотилган маҳсулотларнинг таннархи	млн.сум	193 270,0	132 633,7	68,6
Иш хақи фонди	млн.сум	45 000,0	27 877,3	61,9
Ижтимоий туловлар	млн.сум	5 400,0	3 345,3	62,0
Материаллар	млн.сум	127 800,0	91 812,8	71,8
Ёқилги	млн.сум	720,0	409,0	56,8
Электроэнергия	млн.сум	720,0	558,7	77,6
Амортизация	млн.сум	7 020,0	3 112,4	44,3
Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	млн.сум	6 610,0	5 518,2	83,5
2. Давр харажатлари	млн.сум	23 431,0	20 581,9	87,8
Сотиш харажатлари	млн.сум	900,0	125,3	13,9
Маъмурий харажатлари	млн.сум	8 095,0	6 532,2	80,7
Бошқа операцион харажатлар	млн.сум	14 436,0	13 924,4	96,5
3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар	млн.сум	1 000,0	4 206,0	4 баробар
Фондлар шаклидаги харажатлар	млн.сум	200,0	1 196,2	6 баробар
Валюта курси фаркидан зарарлар	млн.сум	800,0	3 009,8	3 баробар
Ялпи фойда	млн.сум	20 731,0	10 980,8	53,0
Молиявий натижа	млн.сум	300,0	1 237,3	4 баробар
Соф фойда	млн.сум	255,0	407,0	159,6

Ҳисобот даврида заводнинг электроэнергия харажатлари 1 668,0 минг.кВт соат ташкил қилди, бу режага нисбатан 90,0 % ташкил қилди.

Ҳисобот даврида дизель ёнилги учун харажат 13,7 тн. бўлиб, режага нисбатан 74,0 % ташкил қилди.

Ҳисобот даврида корхонада бахтсиз ҳодиса юз бермади.

Маҳаллийлаштириш дастури буйича ишлаб чиқариш ҳисоботи

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил режа	2022 йил амалда	бажарилиши % нисбатида
1	Автомотриса (дрезина) қурилиши	дона	5	5	100,0
2	Янги оралиқ метро вағони	дона	10	10	100,0
3	Аккумулятор қутиси (3-секцияли)	дона	12	18	100,0
4	Орка тиргачи (Упор задний)	к-т	6	6	100,0
5	Орка тиргачи (Упор передний)	к-т	6	6	100,0
6	Ютгич мослама Р-5П	дона	12	18	100,0
7	Рельс химоя қобиғи (защитный короб)	метр	4000	4000	100,0
8	Ташки тортгич (Затяжка наружная)	дона	40	40	100,0
9	Траверса	дона	40	40	100,0
10	Валик	дона	20	20	100,0
11	Тепа гайкаси (Гайка верхняя)	дона	20	20	100,0
12	Пастги гайкаси (Гайка нижняя)	дона	20	20	100,0

Завод 2022 йил ҳисобот даврида маҳаллийлаштириш дастурининг 12 та лойиҳаси буйича йўловчи вағонлар таркибини янгилаш, эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш режага нисбатан 100 фоиз бажарилди.

Бошқарма раиси

Дадаходжаев Д.Ф

Молия бўлими бошлиғи

Бозоров Ф.С.

Стратегик режалаштириш
ва бизнесни ривожлантириш
бўлими бошлиғи в.б.

Хамдамов Б.Б